

Turkiston

1925 yildan chiqqan boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOY HARAKATINING GAZETASI

2002-yil 25-iyun, seshanba № 77 (14568)

«ИСТИҚЛОЛ УМИДЛАРИ – 2002» ФЕСТИВАЛИ

Ёшлар — миллат ишончи, юрт эртаси, келажак эгалари. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни тарбиялашга давлат сийсатининг энг устувор йўналиши сифатида эътибор берилган. Шу кунларда барча илм даргоҳларимизнинг ўқувчилари етуклик шарафномасига эга бўлиб, мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўймоқда. Зеро, улар том маънода истиқлол умидлари — мустақиллик неъматларидан баҳра олаётган ёшлардир.



Сўзга чиққанлар Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ ёшларнинг миллий истиқлол гоёлари руҳида тарбиялаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш борасида амалга оширилган ишлар мамлакатимизда ўз самарасини бераётганини, ривожланган мамлакатларда ҳам кенг эътироф этилаётганини таскиллади. ...Майдонга

нинг амалга ошириладигани эътиборга сазовордир. Бу йил Бухорода бўлиб ўтган "Универсиада-2002" спорт ўйинларида голиб бўлган ёшларимиз 130 та олтин медал ва шу билан бирга давлатимиз раҳбарининг



шумиз ташаббуси билан иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган эди. Эътиборли жиҳати шундаки, давлат миқёсида истеъдодли қизларни рағбатлантирувчи бундай мукофот ҳали дунёнинг ҳеч бир мамлакатига мавжуд эмас. Фестивалда мазкур мукофот соҳибдорларининг самимий табрик сўзлари янгради.

ҳақдаги хабарни қизгин кутиб олди.

Президентимиз Фармонга биноан иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватловчи "Умид" жамғармаси ташкил этилган. Бугунги кунда қўллаб йигит-қизлар ана шу жамғарма гранти асосида жаҳоннинг АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония сингари ривожланган давлатларидаги нуфузли университетларда билим олмақда. Стадионда ўрнатилган махсус экран орқали Германияда тахсил орагани "Умид"чи ёшлар билан сунъий йўлдош ёрдамида телемуқот олиб борилди.

Ёшлар муслик жамоалари, "Умид юлдузлари" ёш истеъдодлар фестивали иштирокчилари, "Нихол" мукофоти совриндорлари, танкили эстрада олдзуларининг муслик дастурлари кечига ўзгача файз ва шукҳ бағишлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосари Х.Кароматов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов иштирок этди.

Назokat УСМОНОВА, Ўза мухбири

ХАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

Сирдорё вилояти Кенгашининг кенгайтирилган семинар йиғилишида бу йилги мавсумда болаларнинг ёзи оромгоҳларда дам олишларини кўнгилли ўтказишда турли спорт мусобақаларини ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилиши ҳақида кўрсатмалар бериб ўтилди.

Э.ТОШТЕМИРОВ

Харакатнинг Кимё-технология институти Бошланғич ташкилоти ташаббуси билан "Талабанинг ҳуқуқ, бурч ва масъулияти" мавзусида кеча ўтказилди.

— Талабалар жамиятимизда ўз ўрнини топиб, интеллектуал салоҳиятини намойиш этиши учун барча имкониятлардан фойдаланадиган, дўсту ёрларини ўз ортидан эргаштирадиган, тўғри сўз, қатъият, фидойи, атрофда бўлаётган ҳодисаларни тез илғайдиган масъул шахс ҳисобланади, — деди институт проректори Бекдавлат Алиев. — Шу туйғайли биз уларга ҳар қанча ғамхўрлик ва эътибор берсак арзийди

Фулом АБДУЛЛАЕВ

Харакатнинг Бектемир тумани Кенгаши ва унинг ҳомийлигида болалар ташкилоти, халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда 289-мактабдаги соғломлаштириш оромгоҳида спорт мусобақаси ўтказилди. Ундан ташқари оромгоҳларда дам олаётган болалар ўзларининг "Ёшлар гижҳандликка қарши" мавзусидаги кўргазмаларини намойиш этишди. Бу таббирда тумандаги 2 та мактаб оромгоҳи ва 3 та мактаб соғломлаштириш мажмуаларидан ҳам вакиллар иштирок этишди. Табирда фаол қатнашган ёшлар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Фармон УМРЗОҚОВ

SENING TENGDOŠNING

«Зинама-зина» интеллектуал ўйинининг навбатдаги голиби

ЎЗ МИНГ СЎМ ЮТГАН АБДУМУТАЛ

Абдумутал РАҲИМОВ — 1985 йил 25 ноябрда Тошкентда туғилган. Дастлаб Шайхонтоғур туманидаги 84-мактабда тахсил олган. Ҳозирда Алишер Навоий номидаги Республика Нафис савият лицейининг 10-синфини биттирди.

Яхши кўрган машғулотни баскетбол ўйнаш ва китоб ўқиш. Келажакда етук журналист бўламоқчи.

— Абдумутал, мана сиз яқинда ўтказилган «Зинама-зина» кўрсатувда муваффақиятли иштирок этдингиз ва кўрсатувда энг сўнги зинагача қатнашдингиз ва ўйин голиби бўлдингиз. Кўрсатувдан олган таассуротларингиз?

— Таассуротларим жуда катта. Аввало, шунга амин бўлдимки, ўқинган одам ҳеч қачон ютқазмас экан. Кўпчилик омад бўлса етади деб ўйлайди. Лекин бу унчалик тўғри эмас. Билими бўлмаган инсон барибир бугун бўлмаса, эртага қоқилиши тайин. Ўйинда ютиб чиқишимда ҳам билимим кўпроқ ёрдам берди, деб ўйлайман. Мана ўз минг сўм ютдим. Ҳаммасига ўзим ва ака-укаларим учун ўқув қуроллари сотиб олдим. Яна янги китоблар олдим.

— Кўрсатувга қатнашганингизга қадар ҳам қандайдир синовлар бўлди?

— Албатта. Дастлаб кўрсатувни томонга қилатириб, ўзимча жавобларини топиб турардим. Шундан сўнг кўрсатувга қизикиб қолдим. Ва қатнашишни ҳоҳлаганлар учун «Филокор» газетасида чиқадиган саволларга жавоб бердим. Жавобларим тўғри, деб топилгандан сўнг мени яна бир бор синовдан ўтказишди. Ундан ҳам муваффақиятли ўтдим ва кўрсатувга қатнашиш ҳуқуқини қўлга қиритдим.


— Кўрсатув савияси ҳақида фикрингиз?

— Баъзилар «Зинама-зина» Россия телеканалдаги ўйинлардан кўчирилган ва шунинг учун кўрсатувнинг савияси паст деган фикрни билдиради. Лекин кўрсатув кўчирилган бўлса-да, бугунги кунда анча такомиллашиб, саволлар кўпроқ мантиққа таяниб тайёрланаётганлиги муҳлисларга аён. Шундай экан, бундай фикр юрттин нотўғри. Агар кўрсатув савияси шу даражада паст бўлса, нега кўпчилик иштирокчилар ўйинда ютиб чиқмапти. Шунини ўзиёқ кўрсатув савиясини белгилловчи далил эмасми.

Бехзод БОЗОРОВ сўхбатлашди

ШОҲСУПАДА ЎЗБЕК ПОЛВОНЛАРИ

Бугун эркин кураш бўйича терма жамоамиз катта ғалаба билан Олмониядан Тошкентга қайтди. Курашнинг ана шу тури бўйича Лейпциг шаҳрида ўтказилган нуфузли халқаро "Гран-При" турнирида спортчиларимиз бир йўла иккита олтин медални қўлга киритдилар. Қувонарлиси шундаки, 55 килограммгача бўлган вазнда икки ҳамюртимиз финалда юзлашди. Тажрибали Аҳмад Очилов билан ёш, аммо ёшлар ўртасида уч марта жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров ўртасидаги беллашувда Дилшоднинг қўли банд келди. Турнирда Музаффар Абдурахмоновнинг (66 кг) ҳам олтин медални қўлга киритиши, шунингдек, Аслан Санакаев (85



кг) ва Игор Купеев (74 кг)ларнинг бронза медаллари билан тақдирланиши натижасида жамоамиз жаҳоннинг йигирма уч мамлакатли полвонлари ичда энг юқори ўринни эгаллади. Эркин ва юнон-рум кураши бўйича спортчиларимиз шу йил сентябрь ва октябрь ойларида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида ва Осиё ўйинларида энг юқори погоналарни забт этиши шубҳасиз.

Айни шу кунларда Эронда бўлиб ўтган ўрта ўрта Осиё биринчилигида эркин курашчиларимиз Муҳаммад Тожаев (76 кг) — олтин, Руслан Утегенов (120 кг) — бронза, юнон-рум кураши мусобақаларида эса Савриддин Наврўзов (58 кг) — кумуш, Жаҳонгир Турдиев (76 кг) — бронза медалларини қўлга киритдилар.

Абдуғани ЖУМАЕВ. Муаллиф олган суратлар

МУСОБАТА УЧУН МАВЗУ

Бу фикрми сизга ғалатиноқ кўринар

МУҚАДДИМА Фарзандининг шўхликларию, беозор инжиқликларидан бахтиёрлик осмонидан сайр этиб юрганнингизда ногаҳон унинг сизга қила бошлаган кўрс муомаласидан хушёр тортиб қола-сиз, ўйга толасиз: "Нега у бунчалик кўрс бўлиб қолди?!" Саволига жавоб ахтариб, шубҳанинг кўнгилгингиз кириб чиқмаган кўчаси қолмайди. Фарзандингизнинг кўрс муомала қила бошлашига сабаб қилиб, гоҳ унинг дўстларини, гоҳ муаллимларини, гоҳ кўни-кўшиларини кўрсатасиз, аммо оилада ўзингиз ўрнатган тартиб гоҳида шундай кўнгилсизликка олиб келиши мумкинлиги хаёлингизга келмайди.

Аслида эса бу кўрслик фарзандингизнинг сизнинг айрим муносабатларингизга қарши кўтарган болаларча исёндир. Бу исёнинг олдини олиш ҳам, уни бартараф этиш ҳам унчалик мушкул эмас. Бунинг учун сиз бироз синчвороқ ва адолатлироқ бўлсангиз kifoya. Йўқ, сизни адолатсизликда айблаш фикрида эмасман, фақат фарзандингизга бўлган муносабатингизнинг айрим жиҳатларида кўз илғамас хатоликларга йўл қўйишингиз тўғайли шундай ҳол юзга келишини яна бир қарра ёдингизга солиш ва унга эътиборингизни жалб этмоқчиман.

МУЛЬТФИЛЬМДАН АНГЛАНГАН ҲАҚИҚАТ

"Болалар, келинлар, дўст бўлиб яшайлик!" — деган жумла сиз билан машғур бўлган мушукча Леопольднинг ким ҳам билмайди, дейсиз. Кичкинтойлар бажонидил томоша қилувчи бу мультфильм, бир қарашда уларнинг ихтиёрига кўра давомли тарзда суратга олинганга ўхшайди. Менга эса фильм ижодкорлари мушукчаннинг сичқонлар билан муносабатда бўлганда йўл қўйган хатоликлари тўғайли улар ўртасидаги зиддиятлар қайта-қайта бошланишига ишора қилгандек кўринади.

Эҳтимол, бу фикрми сизга ғалатиноқ кўринар, аммо жиддийроқ ўйлаб кўрсангиз, менинг нимани назарда тутаятганимни аниглаб оласиз. Ҳақиқатан ҳам маъсум ва беозор Леопольд ҳаммиша сичқонлар билан юзга келган зиддиятдан қочибга интилади. Рухиятшуносларнинг фикрига кўра эса, низоли вазиятдан қочиб эмас, балки уни оқиллик билан ҳал этиш муам-

МУНОСАБАТ МУВОЗАНАТИ САРИ

ёхуд фарзандингиз нега кўрслик қилади?

мон бартараф этишининг ягона ва энг тўғри йўлидир. Албатта, рухиятшуносликдан беҳабар бўлган мушукча Леопольднинг бунга аниглаб етишга ожизлик қилиши табиий. Аммо фильм ижодкорларини бу ҳақиқатдан беҳабар санашга асосимиз йўқ. Шундай экан, кичкинтойларнинг севилими бу мультфильми ота-оналарга фарзанд-

лар билан муносабат юритиш учун қайсидир маънода қўлланма вазифасини бажара олиши мумкин, десак янглишмаган бўламиз.

ОБРУ СЎРАБ ОЛИНМАЙДИ Ҳатто энг намунали оилада ҳам ота-она ва фарзанд ўртасида келишмовчилик содир бўлиши табиий. Бунга асосан ота-она билан фарзандлар қизиқлиқлари ва интилишларининг бир-бирига мувофиқ келмай қолиши сабаб бўлади. Натижада ўртада ҳафтарчилик юзга келади, зеро бир томоннинг ғалабаси, ҳеч шубҳасиз, иккинчи томоннинг мағлубиятини белгилайди.

Ҳўш, бундай вазиятда нима қилиш керак?! Буйруқ тарзида фарзандлардан бўйсинувчанликни

талаб этиш яхшими ёки оила осойишталигини ўйлаб, ён босган маъқулли?! Аслида у йўлнинг ҳам, муаммоли вазиятдан чиқишининг мақбул усули деб бўлмайди. Бундай ҳолатларда муносабатни мувозанатга келтирувчи, оила осойишталигини сақлаб қолиб, икки томонни ҳам бирдек қониқ-тирувчи биргина восита бор, у муроса. Низоли вазият юзга кел-

сидан бир-бирининг фикрини эшитишга тайёр бўлган вақтда айтилган бирор-бир фикр ҳам эътиборсиз қолдирилмайди. Ҳатто сизга фарзандингизнинг қандайдир тақлифи гайритабиий туюлса, у ҳисобга олиниши шарт. Сизнинг асосий вазифангиз эса ўртага ташланган барча тақлифлардан икки томонни ҳам бирдек қониқтира оладиганини танаб олиш ёки уларни умумлаштирган ҳолда сизга ҳам, фарзандингизга ҳам маъқул бўладиган қарорга келиш саналади.

Лекин аксарият ҳолларда ота-оналар фарзандлари олдидаги обрўларига гард оқиши мумкинлигидан ҳадиксираб, бу йўлни танлашни лозим топмайдилар. Аслида эса фарзандингиз билан муросага келиш учун интилиш обрўингизга заррача ҳам путур етказмайди, аксинча унинг кўнгилда сизга бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Бунинг натижаси ўлароқ фарзандингиз қаршида ақли ва адолатли инсон сифатида янада кўпроқ обрў урасиз. Бундан ташқари, фарзандингиз билан юзга келган зиддиятли вазиятни у билан биргаликда муҳокама этар экансиз, масалага ўзгача нигоҳ билан қарай бошлайсиз. Натижада фарзандингизга бўлган муносабатингизда йўл қўётган хатоликларингизни ҳам пайкайсиз. Шунини унутмаслик керак-ки, биргаликда қарор қабул қилаётганда ўз хатоларингизни ҳам тан олишингизга тўғри келади.

(Давоми 2-бетда)

«AMOLOT» hududi

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қашқадарё вилояти «Муборакнефтьгаз» нефть ва газ қонлари унитар корхонаси бошланғич ташкилоти етакчиси Нуриддин БЕГИМОВ билан сўхбат

«ЁШЛАРИМИЗ НОЛИШМАЙДИ»

— Сўнгги пайтда иқтисодиётимиздаги баъзи ўзгаришларни кўриб, ютуқлардан қувонамиз. Бунда ёшларнинг ҳам ўз ўрни бор-ки, бунинг тан олмай илож йўқ. Шундай эмасми?

— Тўғри, ёшлар замони келди. Бугун янгиланаётган оламга боқиб ҳайратланасан, киши. Ҳамма жабҳада ўсиш, янгилааниш. Шу жумладан, корхонамизда хизмат қилаётган ёшларнинг меҳнатини таърифлаш менга осон эмас. Ўзингиз ўйланг, иссиқни иссиқ, совуқни совуқ дегай кеча-ю кундуз ишлаб бутун Ўзбекистон аҳлини газ билан таъминлаётган ёшлар меҳнатининг баҳоси борми?! Кўпгина давраларда ёшлар тўғрисида ҳалигача салбий фикрларни билдиришди. Тўғри, бундайлар орамизда йўқ эмас. Аммо, бизнинг "Ўғолов" ёшларимиз Ватан тараққиёти учун астойдил хизмат қилапти.

— Айни кунда ёшлар олдидаги муаммоларни корхона бошланғич ташкилоти қандай ҳал этмоқда?

— Ишчиларимизнинг етмиш фоизини ёшлар ташкил этиди. Уларнинг деярли ҳаммаси ташкилотимизга аъзо бўлишган. Ёшлар муаммоларини ўрганиш бизнинг бурчимиз. Қолаверса, улар суянадиган, ишонадиган ташкилот бўлганимиздан кейин ҳар қайси ҳолатда ҳам ёшлар томонидан туриб гапириниши шарт, деб ҳисоблайман. Олий ўқув юртраларида контракт асосида ўқиётган талаба-ишчиларимизни тўловлари корхона раҳбарияти билан келишилган ҳолда тўланапти. Бундан ташқари меҳнат фаолиятида кўп ютуқларга эришган ёшлар бевосита рағбатлантирилмоқда.

— Ижодкор ёшлар учун қандай имкониятлар мавжуд?

— Утган йили ижодкор ёшлар орасидан иқтидорлиларини танаб, «Сахро олдзулари» китобига киритдик. Унда йигит-қизларимизнинг ижодларидан намуналар жамланган. Бу йилги режаларимиздан бирида айни шу китобнинг давомини чоп этишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

— Эшитишимизча, «Камолот» кубоги спорт мусобақаларида корхона ёшлари нафақат Муборак туманида, балки вилоят бўйича фахрли ўринларни эгаллабди.

— Худди шундай. Бизда спортга қизиқмайдиган ёшнинг ўзи йўқ, десам хато қилмайман. Волейбол, баскетбол, футбол, шахмат-шашка, кураш мусобақаларида йигит-қизларимизнинг моҳирликлари анча юқори даражага кўтарилган. Спорт ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш билан бирга уларни чиниқтиради, тоблайди.

— Ёшлар муаммоларининг ечими сизни қониқтирадими?

— Тўғрисини айтсам, йўқ. Чунки кўпчилик ёшларнинг муаммолари моддий тарафга бориб тақалади. Ана шу нарса мени, қолаверса, корхона раҳбариятини кўпроқ ўйлантирмоқда. Бирок, кўп қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Шу боис ҳам ишчиларимиз ётоқхона, уйлар билан таъминланган. Шароитлар эса кўнгилдагидек.

— Сўхбатдошим сўзини яқунлар экан, ёшларимиз ёшнинг жазираси иссиқ кунларида изгиринли бўронларда ишлашади. Бирок, бундан ҳеч бирлари нолишмайди, дея яна бир бор таъкидлаб ўтди. Ҳа, иродаси мустаҳкам ёшлар юрт тараққиёти, шу азиз Ватан, қолаверса, унинг гуллаб яшнаши учун ёниб яшайдилар. Нолиш эса ўзбек ёшларига хос эмас...

Зиёда АШУРОВА, «Turkiston» мухбири

IBRAT
Қўлидан келганича муруват кўрсатади

ОДАМ БЎЛИШ ҚИЙИН

Орамизда шундай одамлар борки, бир қараганда ўз иши, ўз тирикчилиги билан оворадек туюлади. Лекин улар билан яқиндан танишиб, қалбига қулоқ солсангиз, элим деб, юртим деб меҳнат қилиб ёниб яшаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Шундай инсонлардан бири Марғилон шаҳрида яшовчи уста Неъмат Нуриддинов бўлади.

Бу инсон ўзининг ҳалол меҳнати билан эл назарига тушиб келмоқда. Ҳовли жойи ҳам данғиллама эмас. Хонадонига кирсангиз оддийгина, камтарингина яшайди, лекин бу одамнинг барикенглиги, саҳоватига ўзингиз қойиш қоласиз.

Одамлар пул олиш учун қассаларда навбат қутиб турган бир пайтда уста Неъмат етим-есирларга, байналмиал жангчилару "Маҳалла" ҳайрият жамғармасига, "Соғлом авола" жамғармасига, ногиронларга, Қизил Ярим ой жамғармасига, Тинчлик фондига баҳоли қудрат ёрдам пули ўтказиб туради.

Қува туманидаги М.Раҳматов номли жамоа ҳўжалигида уни танимаган одам йўқ.

— Ҳар йили бир ҳафта — ўн кун болачақаси билан пахта теришга келади. Хирмонда ош дамлаб, ёшму қарини қақиради, — дейди 70 ёшли Исом ота Сарибоев.

— Нима сабабдан қишлоққа бориб пахта терасиз? — деб сўрадик уста Неъмат акадан.

— Ҳай-ҳай, ҳамма умидимиз қишлоқдан. Элни эл қилгучи деҳқонлар. Ҳар қандай иймонли кишилар деҳқонларга мадад бериши, уларни қўллаб-қувватламоғи зарур. Нон осмондан ёғилмайди, ердан унади, деҳқоннинг меҳнати билан бўлади, — дейди у киши.

Уста Неъмат Нуриддинов тез-тез Марғилондаги кар-соқовлар мактабига ҳам бориб туради. Қўлидан келганича муруват кўрсатади. Бундай тангилик, муруват ҳар кимнинг ҳам қўлидан келармандай, албатта. — Бизга ҳомийлик қилиб турадиган биргина одам бор — у ҳам бўлса уста Неъмат Нуриддиновдир. Қани энди Марғилонимизда бундайлар сафи кўпайса эди, — дейди шаҳар кўзи оғизлар мактаби директори Каримжон Жумабоев. — У одам болаларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаб туради. Бундан ташқари, у кишининг кўрсатган муруватию, саҳоватўйлиги ҳақида узоқ тўхталиш мумкин.

Уста Неъматнинг жонсараклиги, ҳамма ишга ўзини масъул деб сезиши ҳайратингизни келтиради. Унга ҳавас қиламиз, қани энди шундай инсонлар сафи кенгайса, деймиз

Ботир ОМОН,
«Turkiston» мухбири,
Малик БОЙ МУХАММАД,
журналист

У.Носир номли Тошкент Матбаа техникуми ҳалқ ҳўжалигига шу кунга қадар 55 миң мутахассис тайёрлаб берди.

Уқувчиларимиз амалий машгулотларни Тошкент Полиграфия комбинатида ўтказаяптилар. Энг аҳамиятлиси, амалий машгулотлар талабаларнинг фаол иштироки билан ўтказилмоқда.

Хозирги кунда Республика-миздаги матбаа корхоналари тўла қувват билан ишлаётгани йўқ. Буларнинг ҳаммаси биз учун амалий машгулотларни ўтказишда баъзи бир муаммоларни тудғиради.

Ҳомий ташкилотлар ёрдамида таъмирлаш ва ўқув хоналарини жиҳозлаш ишларини олиб бораёмиз. Бюджетдан ташқари топилаган маблағ ҳисобидан ўқув жиҳозлари компьютер, бошқа ўқув анжомлари, мебеллар олинди.

2001 йил техникум қошида коллеж гуруҳлари очилган. Бу ўз навбатида ёшларнинг имкониятларини кенгайтиради ва ҳаётда муносиб ўрин эгаллашга ёрдам беради. Эртанги кун учун кадрлар тайёрлаш ҳар биримиз учун шарафли бурч ҳисобланади. Мана шунга эътиборга олиб, техникум жамоаси турли хил тадбирларни амалга оширмоқда. Москва нашриёт-матбаа коллежи, Москва китоб савдоси коллежи билан ҳамкорлик шартномалари тузилган.

Билим юртининг моддий-техник базасини замонавий ўқув-лаборатория ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш мақсадида Тошкент Матбаа техникуми хорижий инвестиция лойиҳаларига киритилган. Агар шу режарга амалга ошса, Тошкент Матбаа техникуми касб-ҳўнар коллежи мактабидан олади ва замона талабига мос келадиган матбаа кадрларини тайёрлайдиган ўқув юртига айланади.

Йўлдош УЗОҚБОВ,
Тошкент Матбаа техникуми
директорининг ўқув ишлари
бўйича ўринбосари

(Давоми, боши 1-бетда)

Ўз хатосини тан олиш, керак бўлса, фарзанддан уэр ҳам сўраш ҳеч қачон ота-она озилигининг ёки мағлубиятининг белгиси саналмайди. Аксинча, бу оқиллик ва адолат белгисидир. Оила осойишталиги эса кимнингдир устулчилиги билан эмас, балки адолат ва меҳрининг устуворлиги билан белгиланади.

МУРОСА — АДОЛАТ САБОФИ

Тасаввур қилинг, бир вақтда бир телеканал орқали мультфильм, иккинчи орқали эса бадий фильм ёки футбол берилди, дейлик. Табиийки, фарзандингиз учун мультфильм биринчи ўринда туради, сиз учун эса... Ҳўш, бундай вазиятда нима қиласиз?! Албатта, мультфильм кўриш ёшидан ўтганингиз ва оиладаги "ҳоким"лик мактабингиздан фойдаланиб, бу сафар фарзандингизнинг мультфильм кўриш истаги билан мутлақо ҳисоблашмай-сиз.

Айнан шундай ҳолат юзага келган пайтда сиз ўз болагингизни хотирласангиз эди, хотираингиз кўзгусида ота-онани "тушунарсиз кино" ёки "эрикарли футбол"ни деб "ажойиб мульт"ни кўришга йўл қўймагани учун бир четда мунгайиб, қўзлари ёшланиб турган болакай (қизалоқ) акс этарди. Ҳатто, сиз уни элас-элас танигандек ҳам бўлардингиз. Ҳолбуки истаги адолатсиз равишда қондрилмагани туфайли лаблари алам билан титраганча йўғлаб юборишга тайёр турган бу кичкинтой... ўзингиз эдингиз! Уша вақтда ота-онангиздан ҳафа бўлиб, анча пайтгача арзалаб ҳам юрган эдингиз. Ҳўш, энди эдингизга тудийми?!

Эслайсизми, уша вақтда ота-онангизнинг бу хатти-ҳаракати боис мутлақ қалбингизда адолатсизликнинг қаттиқ зарбасини туйганингиз. Энди айтинг-чи, сиз мультфильм кўришга тўққинлик қилган чоғингизда фарзандингиз дилини ҳам адолатсизлик тийи жарохлатмадингизми? Ҳудди сиз ота-онангиздан ҳафа бўлганингиз каби у ҳам сиздан ранжимадимингизми? Сизни "адолатсиз" деб ҳисобламадингизми? Борди-ю, унинг нозик кўнгли шундай тўғулгар тўфони таъсирига берилгудек бўлса, у кейинчалик

сизнинг "Ҳамиша адолатли бўли!" — деган насихатингизга қулоқ сола олармикин?! Сиз шу хатти-ҳаракатингиз билан беихтиёр равишда унинг онгига "Баъзи вақтда ўз манфаати йўлида адолатсизлик қилса ҳам бўлаверар экан-ку!" деган тушунчани илк кўринишини жойлаб қўймадингизмикин?! Шу сабабли ҳам ҳар бир ота-она болаларнинг

мақсадида ҳар бир воқеа-ҳодиса моҳиятини у тушунадиган даражада илмий тарзда етказишга интилади-лар. Бу, албатта, жуда яхши. Аммо у сиз ўйлагандек фақат маълум вақт талаб этадиган эмас, балки эҳтиёткорона ёндошув орқалигина ўз самарасини беришни ишдир.

Баъзан сизнинг эзгу мақсадида амалга ошираётган бу ишингиз

шундай машина яратиш мумкинми?! Табиийки, мириқиб фильм томоша қилаётган йигитчага бу савол малол келадими: "Халақит берман!" - дея қўрслик қилади. Ҳўш, бунга ким айбдор?!

Агар муаллим шу саволни фильм намойиш этилаётган вақтда эмас, балки кейинроқ, ўзаро суҳбат чоғида эмас, албатта, саволига жавоб берди, зеро физик ҳодисалар тўғрисидаги суҳбатларда ҳамма бажонидил иштирок этувчи фарзанднинг бу мавзудан ўзини четга тортмаслиги тайин эди. Кўрдингизми, суҳбат учун вақт танлашга йўл қўйилган биргина хато ота билан фарзанд ўртасида зиддиятни юзага келтириб қўйибди.

Буни эслатишдан мақсадим шунки, бордию фарзандингиз камолотини ўйлаб, илмий суҳбатлар асосида унинг билиминини ошироқчи бўлсангиз, марҳамат, аммо бундай суҳбат учун вақт танлашда сиз ҳам шу ўқитувчи каби хатоликка йўл қўймасангиз қойф.

ХОТИМА

Албатта, ҳар бир ота-она учун фарзанд азиз ва сеvimли. Сиз ҳам ўз фарзандингиз камолотини кўриш учун барча нарсаларга тайёрсиз. Меҳр-муҳаббатингиз чексиз, унинг яхши инсон бўлиб вояга етиши учун гоҳ-гоҳ қаттиққўллик ҳам қилиб тура-сиз ("Акс ҳолда, ҳаддидан ошиб кет-тади бу шумтака!").

Лекин шунга етди тўтти жо-лик, муҳаббатнинг ҳам қаттиққўллик-нинг ҳам чегараси бор. Бу чегарани ақл, адолат ва сабот қўриқлайди. Ақл ва адолат фарзандингизга бўлган меҳринингизни кўр-кўрона муҳаббатга айлиниб қолишидан, қаттиққўлликнинг адолатсизликка юз беришидан асрайди. Сабот эса бу мураккаб вазифанинг оғирлигини ўз зиммасига олиб, "юк"ингизни енгиллатишга интилади. Зеро, фарзандни тушуниш ва у билан дўстлаша олиш ушбу чегаранинг дахлсиз сакланиши бўлиб, бу осон иш эмас. Бирок у энг олий бахт саналади. Бу саодатни эса ўз фарзандлари билан дўстона муносабатлар ўрнатишга эришган ота-оналаргина юрак-юракдан ҳис эта оладилар...

Маъруф ТОШПЎЛАТОВ

МУНОСАБАТ МУВОЗАНАТИ САРИ

ёҳуд фарзандингиз нега қўрслик қилади?

Ўзига хос инжиқлик ва қайсарлик-лари бўлишига қарамай, катталар билан баҳсда ҳамма ҳаммасиз қолишарини ёдда тутиш даркор.

Фарзандингизга бўйруқ беришингиз ёки бирор ишни бажариш учун мажбур этишингиз жуда осон. Аммо, фарзандингиз бирор ишни қўнглингиздагидек бажаришини истасангиз ҳам, бу ҳолатда ўзингизни мутлақо ҳақ санасангиз ҳам, ҳеч қачон бунга авторитар усул — ўз сўзингизни ўтказиш йўли билангина эришишга интилмаганингиз маъ-қул. Зеро фарзандларга ҳамма шундай муносабатда бўлиш кўпгина кўнгилсизликларга сабаб бўлиши аниқ. Ҳар бир ишни ота-онанинг босимили таъсири остида бажаришга урганиб қолган фарзанддан ташаббускорлик қутиб бўлмайди. У ҳатто енгил муаммоларни ҳам мутлақ равишда, адолат билан ҳал этишга қодир бўлмай қолади. Шундай бўлса-да, у бир кунги ба-риб-бир ўз урнатган бундай тартиб-га қарши исён кўтарди: шунда у ўз кўнглида сизга нисбатан қўрслик ва ишонсизликдан ўзга тўғйу йўқлигини намойиш этади-қўяди! Сиз эса, табиийки, унинг бу муомала-сини фарзандингиз билан муноса-батдаги кўз илғамас хатоларингиз-нинг натижаси, деб эмас, балки сизга нисбатан қилинган адолат-сизлик дея ҳисоблай бошлайсиз...

ЧЕГАРАДАН ЧИҚҚАН ҲАВАС

Кўпчилик ота-оналар фарзанд-лари кўнглида илмга ҳавас уйғотиш



Навоий вилояти Навбахор туманидаги уч қишлоқда тез тиббий ёрдам пункти ишга тушди. Деярли барча қишлоқлар газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланди.
Суратларда: Навбахор туманида навбатдаги тез тиббий ёрдам пунктининг очилиш маросими-дан лавҳалар

X. ШОПЎЛАТОВ олган суратлар

TACHIN VA ISLOHOT

Лойиҳа 3 йил давомида амалга оширилди

Мустақиллик йилларида таълим тизимига алоқадор бир қатор ҳужжатлар ва қонунлар ҳужжатимиз томонидан қабул қилиндики, улар ислохотларнинг дастурийлашга айлан-ди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи қақирик IX сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Республика Президенти "Кела-жақда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қўйил қилиши лозим. Мамлакатимизнинг мард, фидойи кишилар юртига, тафаккур ва ижод қайнаган муқаддас маконга айланishiга аминман" деганда таълим-тарбия муассасалари олдига турган катта масъулиятни ва бу соҳанинг аҳамиятини кўзда тутган эди.

Таълимдаги ислохотлар қўлами, уларнинг натижалари вилоятлар мисолида янада аққолроқ кўзга ташланмоқда. Бунинг сабаби шундаки, ислохотлар республика миқ-саида умумий концепция си-фатида белгилансада, жойларда маҳаллий шарт-шароитлардан, кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Шу нуқтаи назар-дан қараганда Қашқадарё вилояти таълим ва ҳаётда алоқадор аҳамиятга моликдир. Ўзлуksиз таълим тизими шароитида ўқув масканларини педагог кадрлар билан таъминлашда Қарши Давлат университети зиммасига катта вазифа юкланган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида корхоналар ва ташкилотларнинг кадрлар билан таъминланишидаги нотекисликка барҳам бериш ва ёшларнинг марказий олий ўқув юртлирида тахсил олишига қийинчилик тудғираётган иқтисодий муаммоларнинг ечими сифатида минтакаларда олий таълимни ривожлантириш

сиёсатининг меваси бўлиб дунёга келган. Бу йил Қарши Давлат уни-верситети ўзининг ўн йиллиги-ни нишонлади. Маълум дара-жада бу сана университетда

TACIS дастурининг TEMPUS

УНИВЕРСИТЕТ ШУНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК

қилинган ишларни сарҳисоб қилиш имконини берди.

Юбилей муносабати билан университетга турли вилоят-лардан ташриф буюрган меҳмонлар бу ўқув даргоҳининг моддий-техник базаси, илмий салоҳияти билан яқиндан танишган, унинг исми жисмига монандлиги, университетдек юксак номга лойиқлигига амин бўлишди. Сўзсиз бу ютуқлар университетида ислохотлар йўли қатъият билан амалга оширилаётганлиги самарасидир. Хозирги жараёнларга синовлар ва ўтиш даври деб қаралаётган айрим ўқув юртли-рида мавжуд ютуқларни сақлаб қолиш стратегик мақсад қилиб қўйилган бўлса, Қарши Давлат университетида бу давр ислохотлар даври деб баҳоланмоқ-да ва таълимда хозирги замон талабларига жавоб бериш, тараққийёт билан бирга қадам ташлашга интилиш кучаймоқ-да.

Тараққийётга бўлган инти-лишда университетда фақат ички имкониятлар ишга соли-ниб қолмасдан, халқаро алоқа-лардан ҳам кенг фойдаланил-моқда. Университет Франция, АКШ, Исроил, Буюк Британия, Россия, Финляндия каби ўнлаб давлатлардаги университетлар билан илмий алоқаларни йўлга қўйган. Бир қатор халқаро ташкилотларнинг таълим тизимидаги ислохотларга бағишланган дастурларида

иштирок этмоқда. Айниқса, Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган TACIS ривожланаётган давлатларга техник ёрдам дастури доира-сида бир қанча грантларга сазовор бўлганлиги диққатга сазовордир.

Бундан ташқари лойиҳага

ёўналишига тааллуқли RETUIT лойиҳасини амалга ошириш соҳасида қилинган ишлар Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичи-да таълимнинг сифатини яхшилашга қаратилган вази-фаларни бажаришга катта ҳизмат қилмоқда. Педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ислох қилишда ахборот технология-ларидан фойдаланишга йўнал-тирилган бу лойиҳа илгор педагогик технологияларни таълим жараёнида қўллаш, таълимни ва кадрлар тайёр-лашнинг янги сифат даражасига кўтариш, ахборот ва коммуни-кацион технологияларни таълим тизимига татдиқ этишни кўзда тутган. Лойиҳа-нинг асосий мақсади таълим соҳасида дунёда тўпланган тажрибаларни урганиш ва амалда жорий этишдан ибо-ратдир.

Лойиҳа 3 йил давомида амалга оширилди ва шу йил-лар давомида университетнинг 17 ўқитувчиси Буюк Британия-нинг Шимолий Лондон ва Финляндиянинг Оулу универси-тетларида таъриба алмашиб қайтидилар. Лойиҳа иштирокчи-лари эгаллаган билим ва таъриба асосида бир неча электрон дарсликлар ва қўлланмалар яратилди. Уни-верситетга шу лойиҳа асосида жалб этилган маблағнинг катта қисми 1 ойдан 3 ойгача давом

этган илмий таъриба алмаши-нувига сарфланди ва айтиши-лик мумкинки бу маблағ университет ўқитувчиларининг касб маҳоратини, малака ва таърибасини оширишга, яъни келажакка инвестиция қилин-ди.

Бундан ташқари лойиҳага

кўра 23 миң АКШ долларлик хорижий сармоя ҳисобига университетда "Ресурс маркази" ташкил этилди ва энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. "Ресурс маркази"да таълим-тарбия жараёнини янги педагогик технология асосида ташкил этиш ишлари амалга оширил-моқда. Лойиҳага кўра 4 та ўқув курси-модулар ишлаб чиқил-ган бўлиб, булар "Ахборот технологияларига кириш курси", "Ахборот ва коммуни-кацион технологияларнинг чуқурлаштирилган курси", "Янги педагогик технологиялар курси" ва "Ўзлуksиз таълим тизими курси"дир.

Шу йил май ойида универ-ситетдан икки киши Шимолий Лондон ва яна икки киши Оулу университетидаги хизмат сафарига бўлиб қайтишди. Бу йилги сафар ҳам ниҳоятда самарали ўтди, чунки унда "Ресурс маркази" учун тайёр-ланаётган модулар ниҳояси-га етказилиб, муҳокама қўйилди. Муҳокама Шимолий Лондон, Оулу ва Қарши Давлат университетлари илмий жамоалари билан биргаликда Интернет алоқа тизими муҳтида видеоконфе-ренция шаклида ўтказилди. Видеоконференция 17 май куни университетимизнинг 10 йиллиги юбилей муносабати билан ўтказилган анжуманга тўри келди. Шу сабабдан

анжуман қатнашчиларини Буюк Британия ва Финляндия-лик ҳамкорлар ҳамда хизмат сафаридидаги ўқитувчилар қўллашди. Албатта, бундай миқёсдаги видеоконферен-ция, айниқса, бир вақтингиз ўзида дунёнинг бир неча нуқталарида иштирокчилар-нинг чиқишлари республика-миз ўқув юртлирида илк бор амалга оширилди ва бу университетнинг моддий-техник базаси ва имконият-лари катта эканлигидан далолат беради.

Конференция пайтида Оулу университети ўқув ва тадиқот марказининг менежери Рауно Карйалайнэн "Биз ўн йиллар мобайнида эришган ютуқларга сизлар икки-ўн йил ичида эришяпсизлар", деди. Шимо-лий Лондон университетининг халқаро алоқалар бўлими директори Марк Бикертон эса "мўъжиза" деб баҳолади. Бу фикрларни изоҳлашга ҳожат йўқ деб ўйлаймиш.

Видеоконференция жараё-нида муҳокама қилинган модулар кўпчиликка маъқул бўлди ва чет эллик ҳамкорлар уларни нашрга тавсия этишди. Бундан ташқари 3 йил давоми-да лойиҳа бўйича қилинган ишлар сарҳисоб қилинди. Ҳамкорлар ҚДУ томонидан қилинган ишларни ижобий баҳолаб, TACIS дастурини молиялаштирган Европа Иттифоқи комиссияси томони-дан ажратилган грантлар юзасидан ўтказилган монито-ринг текширувларидан универ-ситет "аъло" баҳо олганлигини таъкидлаб, келажакда алоқа-ларнинг давом эттиришга умид билдиришди.

Келажакда мазкур лойиҳа асосида очилган "Ресурс маркази" ўзида янги педагогик технологиялар ва юксак ахбор-от технологияларини бирлаш-тирган масофавий таълим марказига айланса ажаб эмас.

Абдулазиз КУРБОНОВ,
Одил ТУРҒУНОВ,
Жаҳонгир НОРҚОБИЛОВ,
Қарши Давлат университети ўқитувчилари

IQTISODIY MA'RIFAT

Банк акциядорлари қўлида

МАНФААТДОРЛИКНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛИ

Банк тизимини ислоҳ қилиш дастурини амалиётга кири-тишда банкларда корпоратив бошқарув даражасини оши-риш ҳам назарда тутилган эди. Унга кўра корпоратив бош-қарув — бу тижорат банки фаолиятини бошқаришда акци-ядорлар, Кенгаш аъзолари ва бошқа раҳбар ходимлар то-монидан амалга оширилаётган асосий фаолият ҳамда қондалар мажмуидир. Шунинг билан бирга корпоратив бошқарув концепцияси бизнес юритиш этикасининг андо-залари ва акциядорларга бўлган муносабатларда масъу-лият хисси ҳамда банк фаолият кўрсатаётган жамият та-лабларини эътиборга олишни ўз ичига олади. Маълумки, корпоратив бошқаруving ўзига хос хусусияти — бу банк-ни бошқаришдаги акциядорлар ролининг юқорилигидир.

Лекин хозирда баъзи йирик тижорат банклари устав капиталда давлатнинг улushi юқори бўлса, бир қатор тиж-орат банкларининг йирик акциядорлари эса ташкилот, асоциация, корпорация ва концернлар ҳисобланишади. Бундан ташқари, мазкур банкларда кенгаш аъзолари ва раисининг мамлакат иқтисодий тизимида қозғоли лавозим-ларда фаолият кўрсатишлари хозирги иқтисодий эркин-лаштиришнинг янги босқичида ишининг қизгин ва кўпчилиги банк фаолияти билан шуғулланиш учун етарли вақт ажра-та олмамликлари сабаб бўлмоқда. Бу эса мазкур тижор-ат банкларига ҳам самарали корпоратив бошқарувни таш-кил этишга, ҳам банк ички сиёсатларини мукамал ишлаб чиқишга салбий таъсир кўрсатади.

Хусусий банклар фаолиятида эса юқоридаги биринчи масала ҳал қилинган бўлса-да, иккинчи ва учинчи масала-ларни ҳал этишда камчиликлар мавжуд. Яъни банк эгалари бўлган акциядорлар банкка эгаллик қилишни жуда ҳам деганда, фақатгина банк устав капиталига эътибори эга бўлиш ва унинг учун дивидендлар олиб бориш, деб ту-шунмоқдалар, улоқ. Баҳоланки, банк фаолиятини белги-лаш банк акциядорлари қўлида бўлиб, улар ўз тақлиф ва мулоҳазаларини банк Кенгаши орқали акциядорлар муҳо-камасига қўйишлари ва акциядорлар умумий йиғилишида фаол иштирок этишлари лозим.

Фазлиддин БОЗОРОВ

TADQIQOT VA TAHIL

Тақомиллаштиришнинг стратегик йўллари

ФАРОВОН ТУРМУШНИНГ СИРИ НИМАДА?

Бошқариш кўп қиррали ва мураккаб, ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган жа-раёнлардан ташкил топгандир. Бошқариш тизимини тақо-миллаштириш, бир томондан, рақобатбардор маъсулоти-ни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қаратилган бўлса, иккинчи томондан, халқаро андозлар даражасида касбий маҳоратга эга бўлган мазкур соҳа мутахассисларини ҳар то-монлама етук бўлишини таъ-минлашдан иборатдир.

Хозирги даврда бошқариш асосларини пухта эгаллаб олиш орқалигина, ҳар бир инсоннинг фаровон турмуш кеңириши, бозор иқтисодиё-тининг бирмунча мураккаб механизмлари қай йўсинда ишланиши тушуниб етиши учун нималарни қилиши ке-раклигини англаб етиши, тўғри йўл топа билиши мум-кин бўлади.

Мамлакатимизда турли мулкчилик муносабатлари асосида фаолият юритаётган қурилиш-таъмирлаш соҳаси-ни таъмирлаш-таъмирлаш ҳамда Ўзбекистонда қурилиш-таъ-мирлаш соҳасида ривож то-лаётган хусусий фаолиятнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатини янада тақомиллаш-тиришлар орқали мазкур фа-олият бўйича бошқарув хо-димларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оши-риш ва шу кабилар.

Юқоридаги талабларга жа-воб бера оладиган даражада-да йўлни танлаш ва уни амалга ошириш, ҳар қандай фаолиятнинг самарали бўли-шига, натижада эса, қўйил-ган бош мақсадга эришушни таъминлайди.

Даврон АЛЛАҚУЛИЕВ

ШВЕЦИЯ ҚИРОЛЛИГИ

Яқинда Швеция қироллигида миллий байрам — Швед байроғи куни нишонланди. Куйида ана шу мамлакат тўғрисида қисқача маълумот берамиз.

Швеция Европанинг Шимолий қисмида Скандинавия ярим оролида жойлашган мамлакат. Худуди 450 минг кв. километрни ташкил этади. Аҳолиси 8 млн. 800 минг нафар. Мамлакат пойтахти — Стокгольм шаҳри. Швеция бу — қироллик дора. Давлат тузумига кўра, у Конституцион монархия. Швециянинг илк Конституцияси 1809 йилда қабул қилинган. Дунёда илк мартаба аҳолини рўйхатга олиш ҳам Швецияда 1749 йилда амалга оширилган. Мамлакат аҳолисининг аксарияти, яъни 87 фоиздан кўпроги шаҳарларда истиқомат қилади. Швецияда йирик шаҳарлар унчалик кўп эмас. Энг йирик шаҳарлари — Стокгольм, Гётеборг, Мальмё.

Швеция мамлакатининг иқтисоди ҳақида тўхталиб ўтсак. Мамлакат иқтисодиётининг асосий тармоғи саноат ҳисобланади. Шунинг таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг йиллик умумий ҳажми Норвегия, Финляндия ва Данияда бир йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг умумий ҳажмига тенг келади. Саноат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини мамлакатдаги 14 та йирик корпорацияларнинг улушига тўғри келади. Унинг "Volvo" (Волво), "Erikson" (Эриксон) каби фирмалари бутун дунёга машҳурдир. Мамлакат экспортининг 15 фоиздан ортиги "Erikson" компаниясининг ҳиссасига тўғри келади. Халқаро уяли телефонлар бозорининг 7 фоиздан ортироғи ана шу компанияга тегишли.

Бундан ташқари, Швецияда машинасозлик, металлургия,

ўрмончилик, тоғ-кон саноати ҳам ривожланган. Бирок қишлоқ ҳўжалиги тўғрисида бундай деярли оғмаймиз. Мамлакат ташқи савдосининг асосий қисми, яъни 60 фоизга яқини Европа иттифоқи мамлакатларининг ҳиссасига тўғри келади. Европа иттифоқига Швеция 1995 йилдан бундан аъзо.

Ишсизлик даражаси 8 фоиз атрофида. Аҳоли турмуш фаровонлиги жиҳатидан Швеция дунёда энг олдинги ўринлардан бирида туради.

Унинг ташқи сиёсати тўғрисида фикр юритсак. Швеция 1814 йилдан, яъни Наполеон Бонопартга қарши олиб борилган ҳарбий компаниядан бундан қиролли можаҳорларда умуман иштирок этмайди. Ушундан бери Швеция бетараф мамлакат сифатида фаолият юритмоқда. У БМТнинг Африка, Осиё ва бошқа минтақалардаги халқаро тинчликпарварлик миссияларида фаол иштирок этиб келмоқда. Мамлакат қиролли кучлари сафида 53 минг нафарга яқин аскар мавжуд.

БМТнинг ташаббуси билан Швеция пойтахти Стокгольм шаҳрида атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган йирик халқаро анжуман ўтказилди. Анжуман иштирокчилари 5-июни Бунтжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўни, деб қабул қилишди. Дунё жамоатчилиги ушбу санаи ҳар йили 5 июнда нишонлайди. Айна вақтда атроф-муҳит муҳофазаси энг долзарб вазифалардан биридир.

Дилдора **ТОИРОВА** тайёрлади



Ўзбекистонга, унинг тарихий обидаларига, халқимиз урф-одатларига бўлган қизиқиш дунёда йил сайин ортмоқда. Бу диёримизнинг жаҳонга юз тутганлигидандир.

ТУРИЗМ: ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

ни, маданий-тарихий меросни қайта тиклашдан иборат. Мазкур лойиҳа мамлакатимиз, бутун Марказий Осиё ва бошқа қўшни давлатларга қадимий савдо қаровонлари босиб ўтган йўл бўлиб халқаро туризм алоқаларини ягона тизимга бирлаштирадиган сайёҳлик марказларининг мажмуасини яратишга имкон беради.

Хозирги кунда иқтисодиётнинг бозор муносабатлари туфайли сайёҳлик хизматининг сифати, унинг турли-туман шакл ва усуллари янги талаблар қўйилмоқда. Республикаимиз мустақилликка эришгандан кейинги даврда "Ўзбектуризм" Миллий компаниясининг ташкил қилиниши бозор муносабатларига ўтиш даврига тўғри келди. Бозор муносабатларига ўтиш республика сайёҳлик тизими олдида анчагина кескин шартлар қўйди. Жами ташкилий-иқтисодий тизимни тубдан қайта ташкил қилиш, туризмининг бошқаришининг марказлаштирилган механизмидан фарқ қилувчи амалий-иқтисодий йўналишини ишлаб чиқиш зарур эди. Шу мақсадда 1992 йилда "Ўзбектуризм" Миллий компанияси ташкил қилинди. "Ўзбектуризм" Миллий компанияси миллий ва халқаро туризмин қайта тиклаш, моддий-техник ва меъёрий базани мустақамлаш ва кенгайтириш, янги

сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш, экскурсия мавзуларини янгилаш, мавжуд сайёҳлик база ва кемпингларини такомиллаштириш, янгиликларни ташкил қилиш, қўшимча хизматлар кўрсатиш ҳажмини ошириш бўйича маълум микродорда ишлар амалга оширилди.

Мустақилликнинг илк даврларида диёримизга Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Жанубий Шарқий Осиё, Европа, Шимолий ва Лотин Америкасида 40 мингдан зиёд сайёҳлар ташриф буюришди. 60 минг киши хорижий давлатларга юборилди. Уларга кўрсатилган хизматлар ҳажми 1,2 млрд. сўмни, яъни, 3,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Бугунга келиб олинанидан фойдага нисбатан туризм фуқаролар учун "қимматга тушувчи роҳат"га айланиб, хизмат кўрсатиш сифати биров пасаиди. Шу сабабдан республикадаги сайёҳлар ва экскурсия бюроларининг кўпчилиги сайёҳларга хизмат кўрсатишининг белгиланган кўрсаткичларига эриша олмаптилар. Шунга қарамай, бу соҳада сезиларли силжишлар бўлди. Туризм тараққийётининг асосий кўрсаткичлари, уларга кўрсатилган хизматлар, автотранспорт хизмати ҳажми бир мунча ортди. Ортимизга хорижий давлатлардан сайёҳлар келиши янада кўпаймоқда.

Ўзбекистон сайёҳлик хизматида амалга оширилаётган ишлар ҳали талайгина. Энг муҳими жоннард диёримизнинг тарихини, меҳмондўст халқимиз турмуш тарзини, қилинаётган ишларни хорижлик меҳмонларга фахр билан айтиш кунлари яқин эканлиги ишонимиз.

Махбуба **АЛИМОВА**, иқтисодиёт фанлари номзоди

ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИ — ЛОНДОНДА

Лондоннинг "Хумай" галереясида "Буок Ипак йўли" деб номланган бадий-таصريй санъат асарлари кўргазмаси очилди.

Марказий Осиё ва Кавказ рассомлари асарлари намойиш этилаётган ушбу кўргазмада юртдошимиз Бобур Исмоилов ҳам иштирок этмоқда.

Унинг Шарқ маданияти ва аъналарини акс эттирувчи асарлари кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Лондонлик санъат шайдоларининг айтишларича, Бобур Исмоиловнинг ўз юртига, унинг тарихи ва бой маданиятига бўлган юксак муҳаббати ила сугорилган асарлари иштирокчиларда серкуёш ўлкамиз ҳақида ўчмас тасаввур уйғотади.

Айтиш жоизки, Бобур Исмоилов асарлари қатор халқаро кўргазмаларда намойиш этилган ва мутахассислар ҳамда санъат шайдолари томонидан юксак баҳоланган. Лондон кўргазмаси ҳам бундан мустасно эмаслигига ҳеч шубҳа йўқ.

М. **ЎҚУБОВ**, «Жаҳон» АА, Лондон



Табият қўнида

BUGUNNING SABOQLARI

Сув — умр гарови

Сув! Бу инсон умрининг гарови, нафақат кишиларнинг, балки ўсимликлар, жониворлар, ҳаттоки, экилган уруннинг умб-ўсишини таъминловчи воситадир.

Тинмай оқар зилолдай сувлар, Сувга оқиб чексиз сулувлар, Кўнгал қўйган унга гулувлар, Ҳижронда ёнди адоғсиз гуллар.

Ҳаётбахш сув — ҳамма билган энг оддий бўёқдек, аммо ханузгача сирларга бой. Оханграбо майдонидан ўтказилган сув билан сугорилса, экиннинг ўсиш тезлиги ва ҳосилдорлиги ошади. Бундай сув иситиш қозонларда чўкма ҳосил бўлишининг олдини олади. Лазер ёруғлиги билан нурланган сув тупроқнинг шўрдан тезроқ ювади, экиннинг етилиш вақтини камайтиради ва ҳосилдорлигини оширади.

Шифокор В.Сарчук акупунктура нуқталари орқали ташқисининг янги йўлини ва унинг асосида олинган маълумотларга кўра янги даволаш усулини тошган. Қисқача айтганда, у акупунктура нуқталари орқали ўзгарувчан, ҳар хил частотали электр токи юбориб, касалликни аниқроқ топа олган ва шу асосида ўша касалликни даволаш учун ишлатиладиган дистилланган сувни қандай частотали электроханграбо тўлқинлари билан нурлантиришни аниқлаган. Бундай дори сифатида ишлатиладиган, электроханграбо нурлари билан нурлантирилган сувни у биологик жиҳатдан қувватлантирилган суоқлик деб номлаган. Умуман, ҳар хил ташқи таъсирлар остида физик ва химий ҳусусиятларини ўзгартирган сувдан техника, қишлоқ ҳўжалиги ва тиббиёт соҳаларида фойдаланиш бўйича юзлаб мақола ва китоблар ёзилган. Аммо сувга физиквий

таъсир қандай бўлиши ҳозиргача тўла тўқис аниқланмаган. Мени йироқларга олиб кетди у, Бу дунё кўзимга кўринди мангу, Мен чўқдим деганда, деганда ёху, Қалбимда уйғонди галаён, гулу, Уйладим, бунчалар сеҳрли бу сув? Уйладим, бунчалар сеҳрли бу сув?

Сув инсониятга ҳаёт бахш этиб, унинг чанқоғини қондиради. То-

аччиқ ҳақиқатдир. Инсон аталмиш шундай улуг зот, нахотки, сувнинг қадрига етмаса! Бу ҳам камлик қилганидек, кишилар ариқларга турли-туман чиқиндиларни, сигарета қўтиларни ва ҳақозо, адоғсиз нарсаларни ташлаб юборишади. Улар билмайдики, сув кишининг, бутун мавжудотнинг тириклик манбаи эканлигини. Нахотки, улар шунчалик тубанликка боришса! Бу гаплар камситиш эмас, аксинча, фаҳмсизларнинг юзига кўзгу ту-

райган асабларни яхшилайди. Айниқса, мусофҳо ҳаволи тоғлардан шарқираб оқаётган кўм-кўк сув киши вужудида илқик туғдиради. У барча ғам-ташвишларни, асаббузар гапларни, муҳдиш воқеаларни хотирадан бутунлай ўчиб кетишида катта аҳамиятга эга. Баъзи касалликларни даволашда ҳеч дори-дармонсиз, фақатгина, минерал сувлар ёки махсус тайёрланган "Тошкент суви"дан фойдаланилади. Бу сув кишиларнинг ошқозон-ичак, жигар ва бошқа аъзоларидаги хасталиқлардан фориқ этади.

Олдиндан оқса ҳам қадрла сувни, Йўқса тақир чўлга дўнар маконинг. Биз зору гирёнмиз этмай қадрига, Икки ёнимиздан оққан дарёнинг.

Лекин, минг афсуслар бўлсинки, ҳозирги кунда сувнинг сифати бирмунча ёмонлашган, десак, хато қилмаймиз. Бунга сабаб, кишиларнинг лоқайдлиги, фаҳмсизлиги ҳамда озодасизлигидир деб баралла айтишимиз мумкин. Чунки, бу бўҳтон гаплар эмас, балки

Дарёлардан сувлар оқмаса, Ер юзига ёмғир ёғмаса, Ҳаёт инсонга қулиб боқмаса, Бу бир даҳшат, катта фоже!



Хаётда шундай сувлар борки, улар барча нарсдан улуг ва устун туради. Бунга, Маккадан олиб келинадиган "Оби замзам" сувини мисол қилишимиз мумкин. Бу сувни ҳамма ҳам ича олмайдди. Чунки, Аллох Таоло бу сувни ўз суйган бандаминларига инъом этади.

Сув ҳақида жуда кўплаб халқ оғзаки мақоллари мавжуддир. Ер — ҳазина, сув — зар. Сув — олтин, сувчи — заргар. Емон арида бол бўлмас, Сувсиз ерда тол бўлмас.

Хонадонларимизда сув бўлмаса, тасаввурга сифдириб бўлмайди деган воқеалар юз беради. Ҳаттоки, баъзи пайтларда жанжалгача етиб боради. Айниқса, совчи култётган хонадонда сув бўлмаса, нима бўлишини ўзингиз яхши биласиз. Кўчаларга сув сепилмаган, кийимлари ювилмаган, меҳмон келса, чойсиз кузатадиган хонадондаги қизни ким ҳам келин қиларди, дейсиз.

Сув ҳаётимиз гарови экан, унинг озодлиги учун барчамиз қўлдан келганича хизмат қилайлик. Зеро, сув тозаллиги экологининг бош вазифаси ҳисобланади.

Ҳафиза **РАҲМОНОВА**, Тошкентдаги 201-мактаб ўқувчиси

Эрик **ФИХТЕЛИУС**

ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ЎН ҚОИДАСИ

(Давоми, боши ўтган сонларда)

Сирасини айтганда, сукут сақлаш баъзан энг яхши саволнинг ўрнини босади. Журналистнинг савол маъносидан қарши, бошининг ҳаракати ёки сукут ҳеч қутилмаган жавобларга сабаб бўлиши мумкин.

Сўхбатдошини эътибор билан тинглаган малакали репортёр сўхбат давомидаёқ баъзи қисқа ва мазмунли ифодаларни танлаб олиб, интервьюнинг дастлабки ёки охириги жумласи сифатида фойдаланиши мумкин. Шундай бўлганда, журналист хали сўхбат чоғидаёқ монтаж ишларини ҳаёлан бошлаб юборган бўлади.

Кўринадики, савол ташлаб қўйган журналист жавобни диққат билан тинглаш билан, қутилмаган, қизиқ жумлаларни ўтказиб юбормаслик билан ишининг кейинги босқичи интервью монтажига ҳам тайёргарлик кўради. Репортёр вазифасига қанчалик ҳозирланганидан қатъий назар, у сўхбат сўнгида камера ёки магнитофон ўчирилгандан кейингина бемалол тин олади.

Хар бир журналист унинг интервьюси бемалол ва табиий сўхбат шаклида ўтишини хоҳлайди. Бироқ, тан олмақ кераки, бунга эришиш қийин кечади. Репортёр ҳам, сўхбатдош ҳам бу икки кишининг одатдаги сўхбати эмаслигини, уларнинг хар бир сўзини томошабин ва тингловчи кузатиб турганини хис этадилар. Ҳатто жуда эмин-эркин, табиий ҳолда ҳам микрофон ва камера бу сўхбат оддий эмаслигини эслатиб туради. Микрофон қаршидаги маҳмадонда сиёсатчи дудуқлашиб, тугилиб қолиши, телестудия вазирни ҳам ваҳимага тушириши мумкин.

Турли-туман интервьюлар

Журналистнинг доирасида интервьюни "сирхон" деб ҳам аташади. Бу атамининг пайдо бўлиши илдилари хали овозлар алоҳида махсус тасмаларга ёзилган дастлабки овозли фильмлар даврига етиб боради. Монтаж вақтида овоз ва тасвирни уйғунлаштириш керак бўларди. Тўғри, ҳозир бу усулдан ҳеч ким фойдаланмайди, бироқ ушбу тушунча йўқолиб кетмади ва амага сифатида журналистлар орасида сақланиб қолди.

Ахлоқий норма ва амалий усуллар тўралагича интервью турига боғлиқдир. Урида бирон марта интервью бермаган киши билан тажрибали сиёсатчи интервью олишда бир хил ёндошиб бўлмайди. Қарашлар интервьюси, кўзи билан кўрганлар интервьюси, конфронтация интервьюси, матбуот конференцияси ва фактик интервьюлар бир-биридан фарқ қилади.

Қарашлар интервьюси — интервьюлар ичида энг кенг тарқалгани. Бунда сўхбатдош машҳур сиёсатчи ва олим айна чоғда ҳеч ким танимайдиган ўткинчи бўлиши мумкин. Бундай интервьюдан мақсад интервьючининг белгили бир масала бўйича фикрини билишдир.

— Эрсун бугуни орқали кўприқ қуриш ҳақида сиз нима дейсиз?

— Уни атроф-муҳитга таъсири бўлармикан?

— Нимани назарда тутаяпсиз?

Бундай интервьюларни мурракблаштириб юбориш ярамайди. Унинг мақсади интервьючиларнинг қарашларини ифодалашгагина қаратилган. Саволга жавоб бераётган кишининг фикрини кейинроқ, бошқа қарашлар билан тўқнаштириш ёки репортёр саволлари билан тўлдириб мумкин. Бундай интервьюда кенг тарқалган услублардан бири бир сўхбатда икки томонни ҳам акс эттириш бўлиб, журналист саволларидан бир-бирига зид қарашлар акс этган бўлиши керак. Интервьюнинг бу турида журналист сиёсатчига икки сиёсий қарама-қарши кутбага эга бўлган саволлар билан мурожаат қилса, йирик муассаса раҳбарига акционерни ҳамда ташкилот ишчиларини қандай ташвишлари борлиги ҳақида сўраши жоиз. Бу ҳолатларда журналист сўхбатдошининг далил ва

исботларини эшитиш учун савол беради.

Маҳмадонда сиёсатчи билан сўхбатда уни сиқаштириб, талвасага тушириб қўйиш учун ҳам журналист ҳужумкор йўлни танлаши мумкин, лекин кўчадан ўтаётган одамга нисбатан доим ҳушумо-мала бўлмоғи даркор. Бу, деганимиз, кўчадан ўтаётган Худонинг оддий бир бандасига мурракб савол бериб бўлмайди, ёки унинг жавобини рад қилиб бўлмайди, деганимиз эмас. Бирор нарсанга норозилик билдирган, бирор қарор-қонундан қониқмаган хар бир инсон ўз фикрини тушунтира олиши ва уни ҳўйма қила олиши зарурдир. Кўпгина журналистлар ранжитмаслик учун оддий кишилар билан сўхбатда кескин, ўткир саволлар ва инкор қилишдан атайлаб қочадилар.

Кўрган киши билан интервью — фалокат, қасофат ёки жиноят каби воқеа-ҳодисаларни кўрган, билган киши билан сўхбат.

— Нима бўлганлигини сўзлаб берсангиз!

— Нималарни ўзингиз кўрдигиз?

— Бунинг ҳаммаси қандай бўлди?

— Ҳозирги туйғуларингиз қанақа?

Кўрган киши билан сўхбат бошланганида репортёрнинг жим туриши энг яхши саволдан ҳам кўпроқ самара беради. Айна пайтда бундай интервьюларда репортёрга жуда кўп масъулият юкланади. Довдираб, эҳсончилик кетган кишилар, кўпинча, уларни оддатдагидек тутанмайди: ўз хатти-ҳаракати ва ҳаёқинини бошқара олмайди. Автомобиль фалокати билан эндигина ўғилдан ажраб қолган она, сўхбат давомида вос-вос бўлиб, ҳатто қулиб юбориши мумкин. Буни телевизор экранда кўрсатиш журналист томонидан ҳам, муҳарририят томонидан ҳам жуда катта хато ҳисобланади. Биз фожевани бошдан кечирган кишилар ҳиссиётини ҳурмат қилишга мажбуримиз.

Кўрган кишининг сўхбати радио ва телевидениесининг энг ром қилувчи ва қизиқарли амалий томонларидан биридир. Гувоҳ ёки иштирокчининг воқеа-ҳодиса ҳақида ўз сўзлари билан гапириб бериши ва бу ҳақда газетда ўқиш орасида жуда катта фарқ бор. Ушбу вазиятда репортёрнинг вазифаси сўхбатдошининг гапларини турли саволлар ва лўқмалар билан бўлмасдан, охиригача эшитишдан иборатдир.

"Қарама-қарши" интервью — мулақо бошқача жанр. Бундай интервьюда биз ҳўкдорларни танг аҳолга туширишимиз, ўз хатти-ҳаракатларини изоҳлаб беришга мажбур қилишимиз мумкин. Танқид қилинувчи унга берилган дашонларга тўлиқ жавоб бериш имкониятига эга бўлиш билан бирга, унга кўплаб шафқатсиз очиб ташловчи саволлар берилишига ҳам тайёр бўлиши керак.

— Сиз хизмат қарз васикангиздан нима учун шахсий манфаатингиз йўлида фойдаландингиз?

— Тунги клуб сизга ёққандир-а?

— Сизни хотинбоз деювчиларга нима дея оласиз?

— Саунада фоҳишалар билан нима қилдингиз?

Бундай интервьюга тайёргарлик ва уни ўтказиш тартиби бошқаларидан анча фарқ қилади. Бунда интервьючи билан ёзув бошлангунга қадар самимий сўхбат қурилишининг иложи йўқ, унга саволлар билан олдиндан танишиб олиш имкони берилмайди, синов суратга олиш имкони йўқ. Бундай интервью олиб боришнинг сурвати ва йўли ҳўжумкор бўлади. Энг ашаддий ва ўткир саволдан кейин тутқиб хонадан чиқиб кетиши ҳам мумкин. Агар, интервьюни айна шу саволнингиздан бошласангиз, умуман интервью олишдан маҳрум қолишингиз ҳам эҳтимол.

(Давоми бор) Фарҳод **РЎЗИЕВ** ва Абдуқоюм **ПАРДАЕВ** таржимаси

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МАДАНИЯТ
КОЛЛЕЖИ
2002-2003 ўқув йили учун 9-синф ҳамда 11-синф (контракт) маълумотига эга бўлган абитуриентлар учун куйидаги мутахассисликлар бўйича кундузги ва сиртки бўлимларга қабул эълон қилади:

- I. КУТУБХОНА ИШИ БЎЛИМИГА:** Кутубхоначи-библиографлар (кундузги ва сиртки бўлимга);
- II. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ТАШКИЛОТЧИСИ БЎЛИМИГА:**
 - Ўзбек халқ чолуғ асоблари дастаси раҳбари (кундузги);
 - Аънавий ижрочилик ансамбли раҳбари (кундузги ва сиртки бўлимга);
 - Оммавий байрамлар ташкилотчиси (кундузги ва сиртки бўлимга);
 - Бадий бешаз тўғараги раҳбари (кундузги);
 - Хаваскорлик рақс жамоаси раҳбари (кундузги);
 - Маданий хордиқ ташкилотчиси (кундузги);
 - Хаваскорлик кино, фото, видео студияси раҳбари (кундузги);
 - Фольклор-этнографик ансамбли раҳбари (кундузги ва сиртки);

Сиртки бўлимга фақат 11-синф маълумотига эга бўлган абитуриентлар контракти асосида қабул қилинади. Кириш имтиҳонларида мутахассислик бўйича ижодий имтиҳон (кутубхоначи-библиографлардан ташқари) ҳамда она тили ва адабиёт, тарих фанлари бўйича махсус тест синови ёки сўхбат ўтказилади. Ўқиш муддати 3 йил. Ҳужжатлар 20 июндан 1 августгача қабул қилинади.

9-СИНФНИ БИТИРГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ДИҚҚАТИГА!

Замонавий фан-техника ютуғларидан бохабар бўлиб, чуқур, мукаммал таълим олишни ва ўзингиз севган олий ўқув юрталарига кириб ўқишни истасангиз, Тошкент Молия институтининг қошидаги Солиқ лицейига марҳамат қилинг!

Бу ерда Сиз профессор ўқитувчилар, фан номзодлари, олий тоифа ўқитувчилардан иқтисодий ва гуманитар йўналишлар бўйича чуқур сабоқ оласиз.

Лицейда танлов она тили ва адабиётдан диққат, математика, физика, кимё, биология, тарих, инглиз тили фанларидан тест саволлари асосида ўтказилади.

Аризада 25 июлгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар ўқишга кирувчи томондан қабул комиссиясига шахсан тақдим этилади.

Ўқиш муддати 2 йил

Бизнинг манзил:
Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/1 даҳаси, Саидов кўчаси 3-б.

Телефон: 46-08-40
Автобуслар: 65, 85, 100, 10, 82
Республика Кўз касалликлари бекати



«Истебодлар қишлоқда туғилиб, шаҳарда вояга етади» деган гапни кўп бор эшитгансиз. Бироқ ҳеч ўйлаб кўргансизки бу гапда бир қадар жон бор. Атрофга қараб эътибор қилсангиз кўпгина машҳур кишиларнинг нуқсиди тоғлар орасидаги мўъжаз қишлоқлар тафтини сезасиз.

Ёш хонанда Бекмурод Жўраев ҳам ана шундай қишлоқда туғилган, аммо шаҳарда камол топаётган истебодлар сирасига қиради. У мана бир неча йилдирки, ўзининг хуш овози билан катта санъат оламига кириб келди. Устоз санъаткорлар Комилжон Отаиёзов, Отажон Худойшукуровлар юқори чўққига кўтарган анъанавий ижрочилик йўлида ўнга яқин янги қўшиқлар ижро этиб, мухлисларини топти. Биз яқинда мухлислар истагига кўра Бекмурод акани тахририятимизга таклиф этиб, бир қатор саволларга жавоб излади.

МУСИҚАГА ЭРГАШИБ ЁЗИЛГАН ҚУШИҚНИНГ УМРИ ҚИСҚА

— Назаримда, ўтган йили Наврўз байрами арафасида Алишер Навоий номидаги санъат саройида берган концертингиз орқали кўшиқ шинавандалари сизни «кашф» этди. Илк бор катта сахнада яққол концерт бериш санъаткорга қанчалик қувонарли бўлмасин, унинг ташвишлари ҳам бирмунча шошириб қўйгандир?

— Албатта. Айниқса, менда анча-мунча сезиларли бўлди, десам янглишмайман. Тошкентга келганимга бор-йўғи етти йил бўлапти. Қашқадарёда туғилиб, ўсиб, улғайиб, бир неча йил воҳада ижод қилиб келганимданми, шаҳар «об-ҳаво»сига мослашиб кетишим икки-уч йил мушкул кечди.

Вилоят марказида, туман маданият саройларида кўп бор концерт берганми. Аммо бу қадар ҳаяжон босмаганди. Ўтган йилги концертимиз ўзимиз уйлаган тан-да қизқарили ўтди. Устоз санъаткорларимиз қўллаб-қувватлашганиданми, ҳозир елиб-югуришлар унчалик толиқтирмагандек туюлади.

— Негадир вилоятлардан, айниқса, жанубий вилоятлардан санъаткорларнинг етишиб чиқиши кўпайиб кетди. Ана шу босқични босиб ўтган хонанда сифатида сиз бундан қандай изохлайсиз?

— Энг катта муаммо ҳар иккала вилоятда биронта ҳам овоз ёзиш студияси йўқ. Замоनावий асбоблар етишмайди. Овоз куйайтиришлар талабга жавоб бермайди. Шундай бўлгандан сўнг энди санъатга қадам ташлаган ёш хонанда қандай қилиб дастлабки қийинчиликларга дош беради? Назаримда, қаерда шароит, имконият бўлса, шу ерда истебодларнинг юзага чиқиши осон кечади. Қашқадарёда ва Сурхондарёда ҳам истебодли йигит-қизлар талайгина. Фақат уларнинг қобилиятини юзага чиқариш керак.

— Баъзида битта янги кўшиқ яратиш учун бир миллиондан ортиқ маблағ лозим бўлади, деган гап-сўзлар қулоққа чалиниб қолади. Бу гаплар қанчалик асосга эга?

— Анча-мунча ҳақиқатга яқин гаплар. Бир кўшиқни мухлисларга ҳавола этиш учун камида 700-800 минг сўм сарфлашга тўғри келади.

— Бунча маблағни қандай топасизлар?

— Халқимиз серфарзанд бўлганидан тўғри кўп. Тўй мавсуми пайтида баъзида бир кунда 3-4 хонадонга

навбатма-навбат хизмат қилишимизга тўғри келади. Харақат қилса, ҳаммасини етлаша бўларкан. Эътибор қилсангиз, ҳар бир ойда янги-янги қўшиқчиларнинг пайдо бўлаётганини кузатасиз. Демак, кўл қовуштириб ўтириш пайтимасти.

— Айрим ота-оналар фарзандининг санъаткор бўлишини истаганми. Аммо, ҳар қанча уринимсиз барибир бора-бора фарзанди бу соҳага адашиб кириб қолганини ҳис этиб, бошқа бир соҳанингни эътиборга олишни муҳитининг қанчалик таъсири бўлган.

— Оиламизда мендан бошқа бирон киши бу йўлни танламаган. Аммо, ҳар бири санъатни қадрлайдиган кишилар. Шу боис оиламизда санъат ва санъаткорлар ҳақида кўп гапириларди. Эҳтимол, шулар сабаб санъатга қизиқиш уйғонган бўлса ажабмас.

— Бугун айрим санъаткорлар аввал кўйини яратиш, сўнг унга мос сўз излаб юради, дейишди. Сизда ҳам шундай ҳол

рўй берганми?

— Йўқ. Бироқ шундай ҳоллар бўлиб туриши ҳақида эшитмаганман. Уйлайманки, бу йўл санъаткорни қалғатади. Муסיқа изидан эргашиб ёзилган ҳар қандай қўшиқ қанчалик жозибador бўлмасин, умри қисқа бўлади.

— Оилангиз ҳақида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтсангиз.

— Уйланганман. Икки ўғлим бор. Турмуш ўртоғим Нигорахон уй бекаси.

— Режангиздаги энг сўнги янгилик.

— Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги олдидан концерт дастури намойиш этмоқчимиз.

Шавкат АБДУХОЛИҚ суҳбатлашди.

PS: Суҳбат сўнггида сизларга яна бир янги маълумотни кистириб ўтишни лозим топдик. Қуни кеча Бекмурод Жўраев хоризжлик машҳур бир қўшиқчидан хат олибди. Унда нима деб ёзилгани ҳозирча бизга номаълум. Аммо айрим тезкор муҳбирларимизнинг хабарларига қараганда, хоризжлик санъаткор Бекмурод Жўраевни биргалликда қўшиқ куйлашга чорлаганми.

Ж 2002

ТУТҚИЧ БЕРМАС ТҮПИ

“ЖЧ-2002”нинг тўпи — “Фивернова” 2001 йилнинг 30 ноябрида Пусан шаҳрида бўлиб ўтган кўра ташлаш маросими куни “Адилас” фирмаси томонидан тақдим этилган. У 80 доллар турари. Газ билан тўлирилган микроскопик тўп қўллаб синтетик материаллар қўбигидан тайёрланган. Булар унинг юмалоқлиги, енгиллиги, учқурлиги, аниқлигини таъминлайди. Майдондаги ўйинчиларга бу албатта фойдали. Агар ЖЧ-2002ни кузатсангиз, бир нарсани сезишингиз мумкин: қарий ҳеч бир дарвозабон тепилган кучли зарбдан сўнг бу тўпни бирданга тўтиб қолтиша қолар эмас. Дарвозабонлар ҳаракати ишончли чиқиши учун тўпни кафти ёки мушти билан уриб юборишга мажбур бўлишмоқда.

СУСУКИНО БЎШАБ ҚОЛДИ

Япония ташкилотчи давлат сифатида “ЖЧ-2002”дан кўллаб иқтисодий манфаатларни қўзғатган эди. Дарҳақиқат, футбол байрами кунлари мамлакатда меҳмонхона хизмати соҳаси гуллаб-яшнади. совғалар ва эсдалик буюмлар сотиш ботчи рекордлардан ошиб кетди, кўллаб хоризжлик мухлислар ресторандар чўнтағи қапайишига ҳисса қўлишмоқда. Футбол майдонлари барпо этилиши орқасидан бойиб қолган компаниялар сони ҳам ошди. Қуниқар мамлакат иқтисодиётининг фақат биргина, бунинг устига аяқ ўзига хосликка эга бўлган соҳаси мисли қўрилмаган таназзулни бошидан кечирмоқда.

Гап шундаки, футбол кунлари японияликлар массаж салонларига ташриф буюрмай қўйишган.

Воҳид БОЙМУРОДОВ тайёрлади

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

2002-2003 ўқув йили учун бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш учун 1-курсга ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

I. БАКАЛАВРЛАР ТАЙЁРЛАШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ЙўНАЛИШЛАР БЎЙИЧА КУНДУЗГИ, СИРТКИ ВА МАХСУС СИРТКИ БЎЛИМГА:

- 1. КАСБИЙ ТАЪЛИМ ЙўНАЛИШИ БЎЙИЧА:**
 - Ижтимоий-иқтисодий соҳа (менеджмент, маркетинг, иқтисодиёт) (кундузги ўзб. ва рус тилларида) (сиртки ва махсус сиртки ўзб. тилида)
 - Электронэнергетика (кундузги ўзбек ва рус тилларида) (махсус сиртки ўзб. тилида)
 - Технологик машина ва жиҳозлар (кундузги ўзбек ва рус тилларида) (сиртки ва махсус сиртки ўзб. тилида)
 - Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш (кундузги ўзб. ва рус тилларида) (сиртки ва махсус сиртки ўзб. тилида)
 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришлари жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш йўналишлари (кундузги ўзб. ва рус тилларида)
 - Тўқимачилик соҳаси махсусотларни технологияси (кундузги ўзбек тилида) (махсус сиртки ўзб. тилида)
 - Енгил саноат махсусотлари технологияси (кундузги ўзб. тилида) (сиртки ва махсус сиртки ўзб. тилида)
 - Бинолар ва иншоотлар қурилиши (кундузги ўзб. тилида) (сиртки ва махсус сиртки ўзб. тилида)
 - Информатика ва ахборот технологияси (кундузги ўзб. ва рус тилларида) (сиртки ва махсус сиртки ўзб. тилида)
 - Озиқ-овқат технологияси (ёғ ва мойлар технологияси, қанд ва бижғиш махсусотлари технологияси, гўшт, сут, балиқ ва консерваланган махсусотлар технологияси, дон ва дон махсусотларини қайта ишлаш технологияси) (кундузги ўзб. тилида) (сиртки ва махсус сиртки ўзб. тилида)

II. МАГИСТРАТУРА БЎЙИЧА:

- Менеджмент (соҳалар бўйича) (ўзб. ва рус тили)
- Қишлоқ ҳўжалиги махсусотларини қайта ишлаш машиналари ва жиҳозлари (ўзб. ва рус тили)
- Озиқ махсусотларни ишлаб-чиқариш машиналари ва аппаратлари (ўзб. ва рус тили)
- Тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ва аппаратлари (ўзб. ва рус тили)
- Автомобиллар ва автомобиль ҳўжалиги (ўзб. ва рус тили)
- Хисоблаш машиналари, комплекслари тизимлари ва тармоқларини математик ва дастурий таъмирлаш (ўзб. ва рус тили)
- Нефть-газни қайта ишлаш ва унинг кимёвий технологияси (ўзб. ва рус тили)
- Йигирув технологияси (ўзбек тили)
- Тикув махсусотлари технологияси (ўзбек тили)
- Чарм ва мўйна технологияси (ўзбек тили)
- Қурилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотлар (ўзбек тили)
- Ёғларни қайта ишлаш технологияси (ўзбек тили)
- Қанд ва қандли моддалар, бижғиш махсусотлари технологияси (ўзбек тили)
- Дон ва бошқа ўсимлик махсусотларини сақлаш, дастлабки ишлаш бериш (ўзбек тили)
- Нон ва ун махсусотлар технологияси (ўзбек тили)
- Тўқувчилик ишлаб чиқариш технологияси (ўзбек тили)
- Нефть ва газ қонларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш (ўзбек тили)
- Вино ишлаб чиқариш технологияси (ўзбек тили)
- Электр таъминоти (тармоқлар бўйича) (ўзбек тили)
- Нон, макарон ва қандолатчилик махсусотлари технологияси (ўзбек тили)

КИРИШ СИНОВЛАРИ: 1) Танлаган мутахассислиги бўйича билим даражасини белгилловчи махсус фанлардан; 2) Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти асослари фанидан.

Танлов ва талабалика қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус ўқув юртрагида ўқувчилар қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан абитурентлар тест синовларида тўплаган баллари асосида ўтказилади. Институтга қабул Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг Олий Таълим муассасаларига 2002/2003 ўқув йилида қабул тўғрисида”ги қарори асосида амалга оширилади.

Институт манзилгоҳи: инд. 705017, Бухоро шаҳри, Қ. Муртазоев кўчаси, 15-уй. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, 1-ўқув биноси. **Телефон:** 223-61-97 223-46-76 N-2, 6, 7, 9, 10, 13, 23-автосўзларнинг “Китоблар уйи” бекати, N-1,2 троллейбусларнинг “Технология институти” бекати.

ФАРЗАНДИНГИЗ ХУЎҚ-АТВОРИНИ БИЛАСИЗМИ?

(Давоми, боши ўтган сонларда)

ЧАЁН (24.10—22.11)
Асосий хусусияти: бошқариш ва текшириш

Ижобий хислатлари: интилувчан, шижоатли, босиқ, мустикал, сезгир, зийрак, қаттиққўл, сабрли, қатъиятли, маъсуляти.



Салбий хислатлари: қайсар, ҳукмронликни севади, худбин, рашқчи, ўзбилармон, бешафқат, қасоскор.

Фарзандингиз мустикал ва курашчи. Агар бирор нарса ёқмаса, очикчасига курашади, ўз хис-туйғуларини яшириб ўтirmайди. У бошқаларни тез хафа қилиб қўйиши мумкин. Лекин уни зинҳор жазоламанг, бўлмаса бешафқат бўлиб ўсади. Яхшиси уни бошқа йўналишга қалғитинг, уни кўпроқ сирли нарсалар қизиқтиради. У ҳамма билан дўстлашавермайди. Унга ҳам-манинг ҳам ўзига яраша камчилиги борлигини тушутиринг. Улар бир нарсани хоҳлаб қолсалар, унга етишмагунча тинчимайдилар. Агар болангиз ёмон ўқиса, уни ўқийша қизиқтиринг. Дўстлари ундан яхшироқ ўқиётганини гап орасида кистириб ўтинг. Шунинг ўзи кифоя. Уни ўз фикридан қайтарш жудаям қийин, яхшиси унга ёрдамлашинг. Шунда у сизни кўпроқ ҳурмат қилади. Болага куч ишлатманг, акс холда у ҳам зўравонлик қила бошлайди.

ЎКОТАР (23.11—21.12)

Асосий хусусияти: маслаҳат бериши ва ривожлантириш

Ижобий хислатлари: шижоатли, очик, самимий, ҳақиқатгўй, эркинликни севадучи, жасур, ҳушмуомала, гурурли, бошқарувчи, интилувчан.



Салбий хислатлари: юзаки, сабрсиз, шарттаки, муомалага йўноқ, қизиқувчан, тўполончи, худбин, буйруқ беришини севади.

Болажонингиз чақалоқлигидан чаққон, ҳушмуомала ва ёқимтой бўлиб ўсади. Кўпчиликдан бегонасирамайди. Каттароқ бўлган, уни кўчада кўпроқ айлантинг, унга кўз-қулоқ бўлиб туринг. У жудаям ўйинқароқ бўлганлиги учун доимо бирор ерини кўқартириб юради. У дўстлари билан уришса ҳам ҳеч хафа бўлмайди, доимо қувноқ, ҳушмуомала ва ўз хатоларини тан олади. У бировларни алдамайди, алдаганларни ёмон кўради ва бунни юзига шартта айтади. Шу сабабли кўпинча ноқулай аҳволга тушиб қолади. Катта бўлган

(Давоми келгуси сонда)
НИЛУФАР тайёрлади

КУЛГИ + ПЛОС

- Аҳмад, айт-чи, бир кун неча соат бўлади?
- Йигирма беш соат бўлади.
- Йигирма беш? Бу нима деганинг, — Ахир, кеча ўзингиз кун бир соатга узайди, деган эдингиз-ку.

Бир одам хурмо сотиб олиб, данаги билан ютиб юборар эди. Ундан: — Нега данагини ютиб юборасан? - деб сўрашганда у: — Ахир, мен хурмони данаги билан сотиб олдим-ку, - деди.

Х. БАДИЕВ тўплади



— Анови қиларингизни менинг оймларингизга олиб бориб бериш, уйдлашимда, яши сизга тегишимдан оидин ҳам қиларингизни ойм ювар эдилар.

А. ҲАКИМОВ чизган расм

Утеранный аттестат № А-192017 выданный средней шк. №256 в 1990 на имя Мухтаровой Мухаддас Октамовны считать **недействительным.**

Утеранный диплом № А-1 877251 выданный Островекому Виктору Васильевичу ТВОКУ им. Ленина а г. Ташкенте 25.07.74 г. считать **недействительным.**

“RADJAB ОТА О’G’LONLARI” Х.Ф. тугатилади. Даво ва аризалар икки ой ичиде қабул қилинади. Телефон: 107-08-09

Turkiston
МАХСУС
«САМОДЎТ» ЁШЛАР ИЖТимоий ХАРАКАТИ

Газета Ўзбекистон Давлат Маъмурият қўмитасида № 00012 рақам билан рўйхатдан ўтган.

Босишга тоширини вақти-21.00
Тошрилади 21.00

1 2 3 4 6

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2.

Бош муҳаррир:
Салим АШУРОВ

Тахрир хайати:
Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комил ЮСУПОВ, Аслидин БОЛИЕВ, Юсуф ЖўРАЕВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Исом ҲАМРО, Файрат ШОУМАРОВ, Авалхон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Раффор ҲОТАМОВ, Абдуғани ЖУМАЕВ

Вилоят муҳбирлари:

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича — Телмаза: 8-37-622 — 3-53-88
Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича — Бухорода: 8-36-52 — 23-37-44
Сирдарё, Жеззах ва Тошкент вилоятлари бўйича — Давлатов: 8-36-72 — 24-02-86
Фарона, Андижон вилоятлари бўйича — Фаронада: 8-37-32 — 24-54-61
Самарқанд вилояти бўйича — Самарқандда: 8-36-62 — 34-43-89
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича — Урганчда: 8-362-22 — 6-50-55
Наманган вилояти бўйича — Наманганда: 8-36-922 — 6-10-70

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матюговчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: 133-95-97, 133-95-99, 133-99-61
Реклама бўлими: (3712) 133-79-69

Тахририятта юборилган материаллар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририят нукта назаридан фарқланishi мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмахонасида чоп этилади.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Буюртма Г. — 556. Адад: 8428

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Навоитчи муҳаррир: Саҳифаловчи: Нормурод МУСОМОВ Нодирбек ОРТИҚОВ